

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 647-ҳадис

647 – وَعَنْهَا: عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ الرَّفْقَ لَا يَكُونُ فِي شَيْءٍ إِلَّا زَانَهُ وَلَا يُنْزَعُ مِنْ شَيْءٍ إِلَّا شَانَهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2594].

647. Яна у кишидан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мулойимлик нимада бўлса, уни зийнатлайди, нимадан олиб қўйилса, уни нуқсонли қилади», дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Абу Довуднинг сунанларида қуйидагича келган:

Микдом ибн Шурайҳ отасидан ривоят қилади:

«Оишадан саҳрога чиқиб кетиш ҳақида сўрадим. У шундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мана шу тепаликларга чиқар эдилар. У зот бир сафар саҳрога чиқмоқчи бўлганларида менга закот туяларидан минилмаган (асов) бир туяни юбордилар, (уни ниқтаган эдим) **«Эй Оиша, мулойим бўл. Мулойимлик нимада бўлса, уни зийнатлайди, нимадан олиб қўйилса, уни нуқсонли қилади»,** дедилар».

(Абу Довуд ривояти).

Бундан нафақат ҳайвонларга нисбатан, балки барча нарсаларга нисбатан мулойим бўлиш зурурлиги келиб чиқади. Ҳа, мулойимлик зийнатдир ва кўполлик айбдир.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI